



DAVLAT
Kadastrlari

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

“Ердан фойдаланиш ва Ер кадастри” факультети

Кафедра: “Давлат кадастрлари”

Фан: “Давлат кадастрлари”

**Мавзу: Моддий маданий меърос объектлари давлат
кадастри.**


Амалиётчи:

ст.ўқит. Исмонов Ш.Р

ТОШКЕНТ-ТИҶХММИ-2018й.

Мавзуга доир адабиётлар ва манъалар рўйхати.

- Ихлосов.И.И. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. 116-128 бет. МУНЎМУ, Тошкент, 2015.
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 415-модда
- Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269 - сон қарори
- <http://www.lex.uz>



Мавзу: Моддий маданий меърос объектлари давлат кадастри

Режа:

1. Моддий маданий меърос объектлари давлат кадастри хақида умумий тушунчалар.
2. МММОДК ни юритишни ташкил қилиш.
3. МММОДК ни юритиш, МММОДК ни юритувчи ваколатли орган ва таркибий қисмлари.
4. МММОДКнинг тарихий-маданий экспертизасини ўтказиш.

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ

Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркиби

- давлат ер кадастри;
- фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоатлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоатлари давлат кадастри;
- **МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРРОС ОБЪЕКТЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ;**
- автомобиль йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- транспорт қувурлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- картография-геодезия давлат кадастри;
- худудлар давлат кадастри.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Конуни



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ
ДАВЛАТ КАДАСТРИНИ ЎРИТИШ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
29.07.2002 й.
N 269**

**Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мерос
объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

Умумий тушунчалар

Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастри «Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ моддий маданий мерос (кейинги ўринларда «маданий мерос» деб юритилади) объектларининг давлат муҳофазасини ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида юритилади.




Маданий мерос объектлари давлат кадастри (кейинги ўринларда «Давлат кадастри» деб аталади) ўзида маданий мерос объектларининг жуғрофий жойлашиши, хуқуқий мақоми, микдорий, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилаб туриладиган маълумотлар ва хужжатлар тизимини ифодалайди.

Маданий меърос объектлари давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ



Геодезия ва
картография
миллий маркази

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги

Маданий мерос объектларини
муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланиш илмий-ишлаб
чиқариш бош бошқармаси

Умумий назоратчи



ГИС
сервер

Давлат кадастрлари ягона
тизими республика ахборот
тахлил маркази бўлими

Лаборатория



21 та ДК бўйича мутахассислар
Таҳлили жараёни

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳрида маданий мерос объектларини
муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш
минтақавий давлат инспекциялари




- Моддий маданий меърос объектлари давлат кадастрини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг кадастр хизмати, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекциялари томонидан юритилади.
- Маданий мерос объектлари қийматини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган методика бўйича амалга оширилади.



Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг кадастр хизмати:

1. маданий мерос объектлари давлат кадастрининг юритилишини мувофиқлаштиради;
2. норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади;
3. кадастр юритилишини назорат қилади;
4. минтақавий инспекцияларнинг кадастр ҳисоботларини туркумлаштиради;
5. кадастр хизматларини моддий-техник таъминлайди;
6. маданий мерос объектларининг давлат кадастри автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқади;
7. манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан кадастр материалларидан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди;
8. Давлат кадастрлари ягона тизимиға зарур кадастр ахборотини беради.



Минтақавий инспекциялар:


1. маданий мерос объектлари, мулкчилик объектлари ва субъектлари, маданий мерос объектларига әгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва улар ижараси, улардан мақсадли фойдаланиш түғрисидаги маълумотлар ҳисобини ҳамда улардан фойдаланиш режимини юритади;
2. маданий мерос объектлари түғрисидаги миқдор ва сифат ахборотини тўплайди;
3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича маданий мерос объектлари рўйхатини тузади;
4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданий мерос объектлари бўйича кадастр дафтарини юритади;
5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданий мерос объектларининг жойлашиши схемасини тузади.



Маданий мерос объектларининг ҳисобга олиш ахбороти:

1. кадастри тартиб рақамини;
2. номини;
3. жойлашган жойини;
4. типологик тегишилигини;
5. сана қўйишни;
6. мулкдор, эгаси, фойдаланувчи ёки ижарага олувчи –юридик ёки жисмоний шахснинг номини ва унинг манзилини;
7. маданий мерос обьектининг идоравий мансублигини;
8. маданий мерос обьектининг мақсадли вазифасини;
9. тарихий маълумотларни;
10. маданий мерос обьектининг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта куриш ва йўқотишларни;
11. таъмирлаш ишларини (умумий тавсиф, қиймати, вақти, муаллиф, хужжатлар сақланадиган жой);
12. бинога, иншоотга, ер участкасига бўлган ҳукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни;
13. муҳофаза зоналари ва курилишни тартибга солиш зоналари чегараларини (тасдиқловчи хужжатга асосланган ҳолдаги режа, қисқача тавсиф) ўз ичига олади.
14. Қўйидагилар:
 15. археология ёдгорликлари учун: сана қўйиш, қидириш ва қазиш ишлари ким томонидан ва қачон бажарилганлиги, топилган материалларнинг сақланиш жойи;
 16. тарих ёдгорликлари учун: пайдо бўлиш тарихи, обьект ёдгорлик аҳамиятига эга эканлиги билан боғлиқ воқеалар ва шахсларнинг қисқача тавсifi;
 17. архитектура ва монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллиф, курувчи, буюртмачи, қурилган санаси тарихий маълумотлар ҳисобланади.


Моддий-маданий мөйрөс объектлари





№	Объектлар	микдори
1	Йўқ бўлиб кетган объектлар	827
2	Сақланиб қолған объектлар	6750
3	Янги аниқланган объектлар	310
4	Ўрганилган объектлар	7577

Маданий мерос объекти тавсифи:

1. номи;
2. типологик мансублиги;
3. манзили;
4. замонавий фойдаланилиши;
5. тарихий маълумотлар;
6. ёдгорликнинг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта қуришлар ва йўқотишлар;
7. илмий-тарихий ва бадиий аҳамияти;
8. асосий библиография, архив манбалари, иконографик материал;
9. техник ҳолати;
10. муҳофаза қилиш тизими;
11. муҳофаза қилиш тоифаси;
12. муҳофаза қилишга қабул қилингандаги тўғрисидаги ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами;
13. муҳофаза зонаси чегаралари;
14. баланс бўйича мансублиги;
15. муҳофаза ҳужжатининг санаси ва тартиб рақами (мажбуриятлар);
16. археология ёдгорлиги учун: санаси, энг муҳим топилмалар рўйхати ва тавсифи;
17. тарих ёдгорликлари учун: санаси, мармар лавҳада матнлар мавжудлиги ва ўрнатилган вақти;
18. архитектура ёдгорликлари учун: санаси, режалаштирилиши, композицион-макон тузилмаси ва конструкцияларнинг ўзига хослиги, фасад ва интеръерлар безаги хусусияти, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат мавжудлиги, қурилиш материали, асосий ўлчамлари;
19. монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллифи ва санаси, композицион ечими хусусиятлари, матнлар, материал, техника, ҳажми;
20. маданий мерос обьектининг ижтимоий, илмий-тарихий ва бадиий аҳамиятига умумий баҳо беришдан иборат бўлади.







Тарихий-маданий экспертиза:

1. маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини асослаш;
2. маданий мерос объектларининг тоифасини аниқлаш;
3. маданий мерос объектлари тоифасининг ўзгартирилишини асослаш;
4. маданий мерос обьектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш;
5. маданий мерос объектлари муҳофаза зонаси лойиҳаларининг шаҳарсозлик ва лойиҳа хўжжатларига, шунингдек амалга ошириш мўлжалланаётган ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларининг ва бошқа ишларнинг маданий мерос объектларини сақлаш талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.



Қуидагилар тарихий-маданий экспертиза объектлари ҳисобланади:

1. хўжалик мақсадларида ўзлаштириладиган ер участкалари, агар уларда маданий мерос объектлари мавжуд бўлса;
2. маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини асословчи материаллар;
3. маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқарилишини асословчи материаллар;
4. маданий мерос объектлари тоифасининг ўзгартирилишини асословчи материаллар;
5. шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳолларда;
6. маданий мерос объектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ер қазиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларининг ва бошқа ишларниң амалга оширилишини асословчи ҳужжатлар

ЭЪЛГИБОРИЕНТИЗ
учун
РАХМАТ!

